

Халқ сўзи

Ўзбекистон -
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2007 йил 6 декабрь, № 241 (4394)

Пайшанба

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Ислом Каримов 5 декабрь куни Самарқанд вилояти сайловчилари билан учрашди.

ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ САЙЛОВЧИЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВИ

Тадбирни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 8-Самарқанд округ сайлов комиссияси раиси А.Умаров очди. Йилгиланлар номзоднинг дастури билан таништирилди. Дастурда мамлакатимизда барча соҳаларда олиб борилаётган кенг қўлмали иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ислохотларни давом эттириш, демократияни мустаҳкамлаш, қонун устуворлиги ва ижтимоий адолатни таъминлаш, фермерлик, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, сарможий мухитни янада яхшилаш, солиқ юкни камай-тириш, ишлаб чиқаришга илгор, замонавий технологияларни кенг жорий этиш, халқимизнинг турмуш фаровонлигини янада ошириш каби муҳим масалалар ўз ифодасини топган. Учрашувда Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўлмали ислохотлар ўзининг юксак самаларини бераётди. Иқтисодиётимиз, халқимиз фаровонлиги, турмуш даражаси тобора юксалиб бормоқда. Пенсия таъминоти такомиллашиб, пенсия ва ижтимоий нафақалар миқдори, аҳолининг реал даромадлари мунтазам ошириб борилаётган. Мамлакатни модернизация қилиш ва демократлаштириш, иқтисодий ва сиёсий соҳаларни либераллаштириш жараёнлари изчил давом этмоқда. Буларнинг барчаси ислохотларнинг самардорлигига алоҳида эътибор қаратилаётгани, халқ фаровонлиги ва даромадларини ошириб боришга доир стратегик вазифалар изчил амалга оширилаётганининг ёрқин ифодасидир.

Ислом Каримов Самарқанд халқимиз фахру гурурининг ифодаси, жаҳон ахлининг қизиқиш ва эътиборига муносиб замин эканини таъкидлади. Самарқанд азал-азалдан бой тарихи, буюк мутафаккирлари, фозилу фозуллари, бетакор меъморий ёдгорликлари, ҳушманзара табиати, нозу неъматлари билан довруқ


қозонган. Жорий йилда нишонланган Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллик тўйи ва "Шарқ тароналари" олтинчи Халқаро мусиқа фестивали тантаналари бу қадим замин шухратини жаҳон узра янада кенг ёйди. Самарқанд ахли бугун буюк аждодларга муносиб равишда Ватанимиз раҳнақига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда. Вилоят юксак иқтисодий ва ижтимоий салоҳияти билан ҳам мамлакатимиз ҳаётида муҳим ўрин тутади. Автомобиль заводи, «Сино», «Кина» каби йирик саноат корхоналарида ишлаб чиқариш самардорлиги ортмоқда.

Учрашувда сўзга чиққан Самарқанд тиббиёт коллежи директори Яхшиноҳ Аллаёров, «СамАнтепгилам» қўшма корхонаси раҳбари Камол Абдуллаев, вилоят «Зарафшон» газетаси бош муҳаррири Фармон Тошев, Пайриқ туманидаги 6-мактаб директори Людмила Шульга ва бошқалар юртимизда ижтимоий ва иқтисодий барқарорликни таъминлаш, иқтисодиётни ривожлантириш, давлатимизнинг халқаро миссиясига нуфузини ошириш, энг муҳими, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш борасида амалга оширилган улғу ишлар Ислом Каримов номи билан бевосита боғлиқ эканини алоҳида таъкидладилар. Ислом Каримов номзодини қўллаб-қувватлаш мамлакатимизда олиб борилаётган кенг қўлмали ислохотларни бундан кейин ҳам изчил давом эттириш, иқтисодиётни ривожлантириш ва халқимизнинг турмуш фаровонлигини янада юксалтириш каби масалаларни амалга оширишнинг мустаҳкам кафолати эканини қайд этиб, сайловчиларни 2007 йил 23 декабрда бўладиган Президент сайловида фаол иштирок этишга чақирдилар.

**Б. НОРБОВ,
Ҳ. ХАСАНОВ,
ЎЗА махсус мухбирлари.**


8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун

КУЧЛИ, БИЛИМЛИ ВА БАХТЛИ ЁШЛАР



Бош Қомусимизда ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга эканлиги, бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланиши алоҳида модда билан белгилаб қўйилган. Берилган ушбу имконият ва яратилган замонавий шароитлардан унумли фойдаланаётган юртимиз ёшлари улкан ютуқларни қўлга киритишмоқда.

Масалан, яқинда ЎзДЖТУ қошидаги 3-академик лицей ўқувчилари дастурлаш бўйича республика олимпиадасида голиб бўлиб, шу йўналишда Бунтурссия мактаб ўқувчилари олимпиадасида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритишганди. Марказий Осиё ҳудудидан 25 жамоа қатнашган ушбу нуфузли танловда муваффақиятли иштирок этишди. Таъкидлаш жоизки, бу ютуқ улар таълим олаётган лицейда умумтаълим фанларидан ташқари, математика, информатика, дастурлаш ҳамда чет тилларидан чуқур билим берилаётганининг амалдаги ифодасидир.



СУРАТДА: академик лицейнинг бир гуруҳ ўқувчилари.

Темур ҚУРБОНБОВ олган сурат.

АСОСИЙ ҚОНУНИМИЗ ВА САЙЛОВ ТИЗИМИ

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ҳаётдаги амалий ифодасини таҳлил этар эканмиз, унинг нақадар мукаммал ишлаб чиқилганлиги, нафақат ўз даврининг муқаддас қомуси, балки ёруғ ва буюк келажақнинг ҳуқуқий пойдевори сифатида қабул қилинганлигига яна бир қарра амин бўламиз. Унинг асосий принципларидан тортиб ҳар бир бандига қадар ҳаётга тўла татбиқ этилаётганлиги фикримиз далилидир.

Конституциянинг фуқаролари давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқини кафолатловчи 23-бобининг ҳаётимиздаги амалий ифодасини мамлакатимиз тарихида илк бора ўтказилган икки палатали парламентга сайловлар жараёнида қўйилган амал қилнаётганидан, миллий сайлов тизимимиз халқаро нормаларга тўла мос келишидан далолат эканини алоҳида қайд этдилар. Сайловчиларни 2007 йил 23 декабрь куни бўладиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида фаол иштирок этишга чақирдилар.

жараёнлари ҳам юқоридаги фикримизга ёрқин мисол бўла олади.

Мамлакатимизда шакллантирилган сайлов тизими ва ўтказилган ҳар бир сайловнинг ўзи сиёсий партиялар, жамоат ташкилотларининг янада фаоллашуви кўчатириб қолмасдан, балки уларнинг масъулиятини ҳам оширади. Бу галги сайловларни ўтказиш жараёнида сайловчиларнинг сиёсий

ва фуқаролик савияси тобора етуқлик касб этаётганлиги намоён бўлмоқда. Яъни халқимиз ўз ҳаёти, келажагини умум-эътироф этилган демократик қадриятлар асосида қуришга қодир ва ҳақли эканлигини исботламоқда. Ўз навбатида, мамлакатимизнинг фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлидаги босқичма-босқич, изчил ҳаракати қонуний жараёнга айланди.

Бундай ҳаётбахш жараённинг ҳуқуқий омилли эса Конституцияимиздир. Асосий Қонунимизнинг 117-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эгадирлар. Овоз бериш ҳуқуқи, ўз хоҳиш-иродасини билдириш

тенглиги ва эркинлиги қонун билан кафолатланади.

Ҳуқуқшунос олимлар, халқаро экспертлар Ўзбекистонда фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари мукаммал тарзда кафолатланганлигини эътироф этиб келишмоқда. Дарҳақиқат, Конституцияимизда, "Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги, "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашлирига сайлов тўғрисида"ги каби қатор қонунларимизда фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари ўз ифодасини топган.

Энг муҳим жиҳат шундаки, айнан "Фуқаролар сайлов

ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги (1994 йилда қабул қилинган) Қонун фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари кафолатлари оид барча умумэътироф этилган қондаларни ўзидан акс эттирган.

Хуллас, эркин демократик сайловларга оид умумэътироф этилган барча муҳим принциплар Конституцияимиз ва сайлов тўғрисидаги қонунчилигимизда батафсил ифода этилган.

Умумий сайлов ҳуқуқи. Бу норма, авваламбор, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117-моддасида мустаҳкамлаб қўйилган: "Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари

(Давоми 2-бетда).

Сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Акмал Саидов 5 декабрь куни Навоий вилояти сайловчилари билан учрашди.

АКМАЛ САИДОВНИНГ НАВОИЙ ВИЛОЯТИ САЙЛОВЧИЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВИ

Навоий шаҳрида ўтган учрашувни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 6-Навоий округ сайлов комиссиясининг раиси У. Маълонзоқов очди. Президентликка номзоднинг ишончли вакили, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси Навоий вилоят бўлими раиси Б. Ҳамдамова йилгиланларни номзоднинг таржимайи ҳоли ва дастури билан таништирилди. Дастурда мустақиллик йилларида мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўлмали ислохотлар ўз самаларини бераётгани таъкидланган. Иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, суд-ҳуқуқ тизими, фан, таълим, маънавий-маърифий соҳалардаги ислохотлар изчил давом этмоқда. Демократияни мустаҳкамлаш, ёшлар тарбияси, уларнинг камил инсон бўлиб вояга етиши йўлида салмоқли ишлар олиб борилаётган.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод А.Саидов нутқ сўзлади. Учрашувда сўзга чиққан Навоий вилояти ад-

лия бошқармаси бошлиги Жамшид Раҳмонов, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси Навоий шаҳар бўлими раиси Гулчехра Норқуллова, Навоий шаҳридаги техника-иқтисодиёт касб-хунар коллежи ўқитувчиси Дилшод Муртозаев, Навоий шаҳридаги 26-болалар бочаси мудири Назира Юсупова ва бошқалар Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови кўппартиявийлик ва альтернатив асосда, жумладан, сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳи томонидан кўрсатилган номзод иштирокида ўтаётгани мамлакатимизда демократия тамойилларига амал қилнаётганидан, миллий сайлов тизимимиз халқаро нормаларга тўла мос келишидан далолат эканини алоҳида қайд этдилар. Сайловчиларни 2007 йил 23 декабрь куни бўладиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида фаол иштирок этишга чақирдилар.

**Ё. УМАР,
ЎЗА мухбири.**

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Дилором Тошмухамедова 5 декабрь куни Наманган вилояти сайловчилари билан учрашди.

ДИЛОРОМ ТОШМУХАМЕДОВАНИНГ НАМАНГАНЛИК САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН УЧРАШУВИ

Учрашувни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 7-Наманган округ сайлов комиссиясининг раиси К. Абдуллаев очди. Президентликка номзоднинг ишончли вакили, «Адолат» социал-демократик партияси Наманган вилояти кенгаши биринчи котиби Х. Аҳмадхўжаев йилгиланларни номзоднинг таржимайи ҳоли ва дастури билан таништирилди. Дастурда мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўлмали ислохотлар ўз самаларини бераётгани, мамлакатимиз иқтисодиёти ва халқимиз фаровонлиги юксалиб бораётгани таъкидланган. Иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, фан, таълим, соғлиқни сақлаш, маънавий-маърифий соҳалардаги ислохотлар чуқурлашиб, хотин-қизларнинг жамиятдаги мавқеи тобора мустаҳкамланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Д.Тошмухамедова нутқ сўзлади. Учрашувда сўзга чиққан Республика ақушер-

лик ва гинекология илмий текшириш маркази Наманган филиали бўлим мудири Ойшаҳон Қўчқорова, Тўрақўрғон қишлоқ ҳўжалиги касб-хунар коллежи директори Набижон Бойбобоев, «Чуст туманидаги «Бобур» илмий-ишлаб чиқариш маркази директори Абдуғаффор Қосимов, Наманган шаҳридаги 82-дорихона мудири Махмудхон Азизов ва бошқалар Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови кўппартиявийлик ва альтернатив асосда ўтаётгани мамлакатимизда демократия тамойилларига амал қилнаётганидан, миллий сайлов тизимимиз халқаро нормаларга тўла мос келишидан далолат эканини алоҳида қайд этдилар. Сайловчиларни 2007 йил 23 декабрь куни бўладиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида фаол иштирок этишга чақирдилар.

**И. РАЗОҚОВ,
ЎЗА мухбири.**



Кеча пойтахтимиздаги "Ўзэкспомарказ"да Халқаро Ўзбекистон тўқимачилик ярмаркаси иш бошланди. Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, "Ўзбекэнгилсаноат" давлат акционерлик компанияси томонидан ташкил этилган ушбу тадбирда дунёнинг 30 дан ортиқ давлатидан 200 дан зиёд ишлаб чиқариш субъектлари ва хизмат кўрсаткич муассасалари иштирок этмоқда.

МАТОЛАРДА МЕҲР МУЖАССАМ

Кўрғазманинг очилиш маросимида кейинги йилларда тўқимачилик соҳасида кенг қўлмали ислохотлар олиб борилаётгани, улар ўз самарасини бераётгани алоҳида таъкидланди. Шу билан бирга, пахта хом ашёсини мукаммал қайта ишлаш, экспорттоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажминини ошириш, тўқимачилик тармоғига сарможаларни жалб этиш борасида олиб борилаётган амалий ишлар, инвесторлар учун яратилган имтиёз ва шароитлар ҳусусида сўз борди.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда саноат корхоналарининг қуввати йилдан-йилга ошиб бормоқда. Хусусан, ҳозирга келиб, улар томонидан йилига 350 миң тонна пахта толаси қайта ишланмоқда. Шунинг ҳисобига, 300 миң тоннадан зиёд ип-қалава, 195 миллион погон метр газлама, 160 миллион донна трикотаж маҳсулотли ва 11 миллион жұфт пайпоқ ишлаб чиқарилмоқда.

Кўрғазма павильонларида ип-газлама, трикотаж матоси, фурнитур, аксессуарлар, тўқимачилик соҳаси учун хом ашё,

кийимлар, шунингдек, миллий газламалар намоиши қилинмоқда. Айниқса, республикаимизнинг "Осиё текстиль" "Нури тоғ сили" "Седат трико", "Тренди ланд" каби корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулот намуналари жаҳон андозаларига

Халқаро кўрғазма

маслиги билан кўпчилик эътиборини тортмоқда.

— Ички бозорга 15 турдаги маҳсулотни чиқараямиз, — дейди Намангандаги "Муштарий" очик акциядорлик жамияти бошқаруви раиси Толибжон Раҳимов. — Эътиборлиси, кейинги йилларда корхонаимизнинг модернизация қилиниши, ишлаб чиқаришга илгор технологияларнинг татбиқ этилиши маҳсулот тури кўпайишига ҳамда сифат даражаси ошишига хизмат қилди. Жамоамиз томонидан йилгига импорт ўрнини босувчи 275 миң донна арқаклар ва болалар қўйлағи иш-

лаб чиқарилмоқда. Кўрғазмада кўплаб мижозлар билан келгусида ўзаро ҳамкорлик қилиш юзасидан келишувларга эришялмиз.

Кўрғазма ташкилотчиларининг маълум қилишича, тадбир давомида томонлар ўртасида тенг манфаатли ҳамкорлик ўрнатилиш, маҳсулот олди-сотдиси бўйича битимлар имзоланмоқда. Бундан ташқари, "Ўзбекистоннинг бугунги ва келажақдаги тўқимачилик саноати", "Тўқимачилик саноати ривожига инвестициянинг аҳамияти" каби мавзуларда илмий-амалий семинарлар ҳам ташкил этилади. Иштирокчилар эса "Спентек Тошкент-Тўйгепа" хорижий компанияси, "Бурсель текстиль" ҳамда "Муруватекс" қўшма корхоналарига ташриф бўлиб, уларнинг иш тажрибалари билан яқиндан танишдилар.

**Сандолми ХАЙДАРОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.
СУРАТДА: кўрғазмадан лавҳа.
Темур ҚУРБОНБОВ олган сурат.**

Яхши хабар

БАЛЛИ, СУРЪАТ!


Корақўл туманидаги 1-иқтисослашган мактаб-интернат ўқувчиси Суръат Исмоилов Москвада МДХ мамлакатлари ўртасида ўтказилган халқаро фан олимпиадасида голиб бўлди.

Мазкур олимпиадада Суръат математика фани йўналишида биринчи ўринни эгаллади. Унинг мактабдоши Алишер Эшонқуллова эса иккинчи ўрин насиб этди. Шу тариқа қорақўллик ўқувчилар ўз иқтидори ва билими билан олимпиадада ташкилотчиси — Москва Очик таълим институти олимларини ҳайратда қолдириб, ўзбек фарзандлари нималарга қодирлигини яна бир бор намоён этдилар.

**И. ИБРОХИМОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.**

8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун

ЎЗБЕКИСТОН ҚАҲРАМОНИ САИД АҲМАД



трилогияси китобхоналар қалбидан чўқур жой олди. Саид Аҳмад ўзбек адабиётида ҳикоя жанрининг моҳир устаси сифатида ҳам танилган эди. Унинг юксак баъдий маҳорат намунаси бўлган қўлжаб ҳикоя ва ҳажвийлари адабиётимиз ривожига салмоқли ҳисса бўлиб қўшилди.


Ўзбек адабиёти ва маданияти оғир жудодликка учради. Ўзбекистон халқ ёзувчиси, атоқли адиб ва драматург Саид Аҳмад шу йилнинг 5 декабрь кuni 87 ёшида вафот этди. Саид Аҳмад Хусанжўев 1920 йили Тошкент шаҳрида таваллуд топди. 1937 йили ўрта мактабни тугатиб, Низомиёв номидаги Тошкент давлат педагогика институтини тахсил олди. У ўз мезнат фаолиятини "Муштур" журналида бошлади, сўнг республика радиосида, марказий газета ва журналлар таҳриратларида, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида хизмат қилди. 1962 йилдан асосан ижод билан шуғулланиб, ўзбек адабиёти заҳисинида муносаб урин олган қўлжаб етук асарлар яратди.

Адибнинг "Тортик" номли дастлабки ҳикоялар тўплами 1940 йили чоп қилинган эди. Иккинчи жаҳон уруши ва урушдан кейинги йилларда нашр этилган "Эр юрак", "Фаргона ҳикоялари", "Муҳаббат" каби китобларида ёзувчи халқимизнинг азалий фазилатларини юксак даражада тараннум этди. Кейинчалик яратилган, халқимиз ҳаётининг турли мураккаб даярлари ёрқин акс эттирилган "Қадрдон далалар", "Хўм" кўсалари, "Живиллик" романи, айниқса, машҳур "Уфқ"

Адибнинг "Тортик" номли дастлабки ҳикоялар тўплами 1940 йили чоп қилинган эди. Иккинчи жаҳон уруши ва урушдан кейинги йилларда нашр этилган "Эр юрак", "Фаргона ҳикоялари", "Муҳаббат" каби китобларида ёзувчи халқимизнинг азалий фазилатларини юксак даражада тараннум этди. Кейинчалик яратилган, халқимиз ҳаётининг турли мураккаб даярлари ёрқин акс эттирилган "Қадрдон далалар", "Хўм" кўсалари, "Живиллик" романи, айниқса, машҳур "Уфқ"

Атоқли адиб ва аjoyиб инсон Саид Аҳмаднинг порлоқ хорираси халқимиз қалбида ҳамisha сақланиб қолади.

И. КАРИМОВ, И. СОВИРОВ, Э. ХАЛИЛОВ, Ш. МИРЗИЕВ, Х. СУЛТОНОВ, Р. ҚОСИМОВ, А. ОРИПОВ, Э. ВОҲИДОВ, Р. ҚҮРБОНОВ.



тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан ўтказилади". Сайловчилар эътиборидан қатъи назар, уларга референдумларда, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида ва ҳокимиятнинг вакиллик органлари сайловларида бевосита қатнашиш ҳуқуқи кафолатланади. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари депутат

публикаси Конституциясининг 117-моддасига мувофиқ, Президент сайловида, Олий Мажлис Қонунчилик палатасига ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кеңесига, вилоятлар, туманлар, шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органлари сайловларида бевосита қатнашиш ҳуқуқи кафолатланади. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари депутат

аксини топган. Яъни сайловлар ҳақиқий ҳисобланиши учун сайлов қонунчилигига сўзсиз амал қилиш таъабубли. Сайлов вақтида ёхуд овозларни санаб чиқиш чоғида йўл қўйилган ҳамда овоз бериш янқаларига таъсир этган қоидабузарликлар сабабли сайлов умуман ёки айрим округлар, ёхуд айрим сайлов участкалари бўйича ҳақиқий эмас, деб топилши мумкин.

Шулар ўтказилганидан вақт ва жой ҳақида сайловчиларга барвақт хабар қилиниши, бутун сайлов кампанияси кенг ошқоралик асосида тузилиши шартлиги қонунда белгиланган. Сайловларда миллий ва халқаро кузатувчиларнинг иштироки. Миллий қонунчилигимизда сайловларга тайёрлик кўриш ва уларни ўтказишга доир барча тадбирларда сиёсий партиялардан, сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан кузатувчилар, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари, бошқа давлатлар, халқаро ташкилотлар ва ҳаракатлардан кузатувчилар қатнашиш ҳуқуқи кафолатланган.

Фўқароларнинг ўз сайлов ҳуқуқлари ва эркинликлари бузилганлиги устидан шикоят қилиши ва бунинг учун тегишли жавобгарлик кўзда тутилганлиги. Амалдаги қонунчиликда сайлов қонунларини бузганлик учун жавобгарлик, сайлов комиссияларининг қарорлари ва хатти-ҳаракатлари устидан ариза-шикоятлар бериш, шунингдек, уларни қўриб чиқиш тартиби белгиланган.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ҳамда жойларда тузилган ахборот округ ва участка сайлов комиссиялари томонидан ўтказилади. Сайловларни ташкил қилиш ва ўтказиш билан боғлиқ ҳаракатлар давлат маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Сайловлар ва ташвиқот фаолиятининг давлат томонидан ахборот жихатдан қўллаб-қувватланиши. Давлат ҳокимияти органлари сайловдоғли учун расулавлари ўтказиш учун сайловчиларга жиҳозланган бинаолар, зарур маълумот ва ахборот материаллари бериб туришлари, йиғилишлар ва учра-

дават ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эгадирлар". Бундан ташқари, "Фўқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 4-моддасида фўқароларнинг сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига доир ёши ва мамлакат ҳудудида яшаш давомийлиги, давлат тилини билиш даражаси билан боғлиқ аниқ мезонлар белгиланган.

Тенг сайлов ҳуқуқи. Конституциянинг 117-моддасида ҳар бир сайловчи бир овозга эга. Овоз бериш ҳуқуқи, ўз хоҳиш-иродасини билдириш тенглиги ва эркинлиги қонун билан кафолатланади, дейилган. Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикаси фўқаролари ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий ва маънавий, ирқий ва миллий мансублиги, жинси, маълумоти, тили, динга муносабати, машғулотининг тури ва хусусиятидан қатъи назар тенг сайлов ҳуқуқига эгадирлар.

Тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи. Бу қонунда ҳам Конституцияда ўз ифодасини топган. "Сайловлар умумий,

АСОСИЙ ҚОНУНИМИЗ ВА САЙЛОВ ТИЗИМИ

лари, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловчиларнинг тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида сайланади.

Яширин овоз бериш йўли билан сайлаш. Овоз бериш яширинлиги Асосий қонунимизнинг 117-моддаси, "Фўқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 7-моддасида мустаҳкамлаб қўйилган. Ушбу Қонунга мувофиқ, сайловчилар ўз хоҳиш-иродаларини эркин билдириши ва яширин овоз бериш ҳуқуқига эгадирлар. Бу жараён устидан назорат этишга йўл қўйилмайди.

Мунтазам ва мажбурий сайловлар. Бу халқаро сайлов стандарти ҳам миллий сайлов қонунчилигимизда ўз ифодасини топган. Ўзбекистон Республикаси

Очиқ ва ошқора сайловлар. Амалдаги қонунчилигимизга қўра, бутун сайлов кампанияси кенг ошқоралик асосида тузилади. Хар бир сайловчи сайлов давомида сайлов округлари ва участкаларини тузишга, сайлов комиссияларининг таркиби, комиссиялар жойлашган манзил ва иш вақтига, депутатликка номзодларни рўйхатга олиш, овоз бериш ва сайлов янқаларига доир ахборотини излаш, олиш ва тарқатиш ҳуқуқига эга.

Эркин сайловлар. Сайловчилар сайловларда иштироки қатъий, ўз хоҳиш-иродаларини эркин билдирадилар. Уларнинг хоҳиш-ирода билдиришлари устидан назорат қилишга йўл қўйилмайди.

Ҳақиқий сайловлар. Бу мезон ҳам миллий сайлов қонунчилигимизда ўз

Сайловларнинг мустақил сайлов комиссиялари томонидан ўтказилиши. Мамлакатимизда сайловлар мустақил давлат органи — Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси ҳамда жойларда тузилган ахборот округ ва участка сайлов комиссиялари томонидан ўтказилади.

Сайловларни ташкил қилиш ва ўтказиш билан боғлиқ ҳаракатлар давлат маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Сайловлар ва ташвиқот фаолиятининг давлат томонидан ахборот жихатдан қўллаб-қувватланиши. Давлат ҳокимияти органлари сайловдоғли учун расулавлари ўтказиш учун сайловчиларга жиҳозланган бинаолар, зарур маълумот ва ахборот материаллари бериб туришлари, йиғилишлар ва учра-

Анжуман

Республика Байналмилал маданият марказида "Ўзбекистон Конституцияси ва тенг ҳуқуқлилик тамойиллари" мавзусида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Ўзбекистон дўстлик жамиятлари кенгаши, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридagi Дин ишлари бўйича қўмита ҳамда Республика Хотин-қизлар қўмитаси ҳамкорлигида Конституциянинг 15 йиллигига бағишлаб ташкил этилган тадбирда давлат ва жамоат ташкилотлари, миллий маданият марказлари вакиллари иштирок этди.

КОНСТИТУЦИЯ ВА ТЕНГ ҲУҚУҚЛИК ТАМОЙИЛЛАРИ

Анжуманда Республика Байналмилал маданият маркази директори Н.Мухаммадиев, Самарқанд вилояти немис миллий-маданий маркази раиси Н.Кайзер, Республика яҳудий миллий-маданий маркази раиси В.Михайлов, Республика туркман миллий-маданий маркази раиси О.Қурбонов ва бошқалар иштирок этишди. Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида юртимизда фўқаролик жамиятини барпо этиш, жамиятни демократлаштириш, мамлакатни модернизациялаш ва ислохотларни чуқурлаштириш борасида олиб борилаётган ислохотлар унинг юксак самараларини бераётганини алоҳида таъкидлашди. Бунинг энг муҳим омилларидан бири, шубҳасиз, мустақил давлатимизнинг Конституциясидир.

Мамлакатимиз суверенитети, демократия, диний бағрикенглик, ижтимоий адолат, инсонпарварлик ва халқимиз бахт-саодатининг кафолати бўлиши Конституциянинг юртимизда қарор топган тинчлик, дўстлик ва миллатлараро — тотувликини мустаҳкамлашда ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

— Мамлакатимизда миллатлараро тотувликини таъминлаш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишларни биз, корейлар жуда юксак қадрлаймиз, — дейди корей миллий-маданий марказлари уюшмаси раиси В.Шин. — Конституциямизда ўзбек халқига хос бағрикенглик, инсонпарварлик каби фазилатлар ўзининг ҳуқуқий ифодасини топган. Ушбу мамлакатда "Тинчлик ва дўстлик"нинг ҳақиқий жамияти, "Корё" корей миллий рақс ансамбли, ёшлар маркази, санъаткорлар, рассомлар, ёзувчилар бирлашмалари фаолият кўрсатмоқда.

Анжуманда "Ўзбекистон Конституцияси — миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликнинг ҳуқуқий пойдевори", "Тенг ҳуқуқ ва тенг имкониятлар", "Глобализация жараёнида бағрикенглик ва Ўзбекистон хотин-қизларининг ижтимоий-сиёсий фаолиятини мавзуларида маърузалар тинчланди. Таъдбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Б. Абдухалимов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирынинг ўринбосари, республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси С. Иномова сўзга чиқди. Жасур КЕНГБОВ, ЎЗА мухбири.

МАЪНАВИЙ БОЙЛИГИМИЗ

Кеча А.Авлоний номидаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказий институтида "Конституция, маънавият ва мафкура" мавзусида анжуман бўлиб ўтди.

Конституциянинг 15 йиллиги муносабати билан уюштирилган мазкур тадбир вилоятлар ва пойтахтимиздаги умумтаълим мактаблари директорлари, жамоатчилик вакиллари

ри иштирокидаги маънавий-маърифий анжуманга айланиб кетди. Ийгилишда Олий Мажлис Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Мавжуда Ражабова, институт ректори Жўра Йўлдошев,

шаҳрловчи Қобилбек Каримбековлар сўзга чиқиб, халқнинг эрки, бахту саодати, барча ҳақ-ҳуқуқлари акс этган Конституциямиз бизнинг маънавий бойлигимиз, мафкурामиз эканини таъкидлашди.

Шоира БОЙМУРОВА.

Хушхабар

Газетамиз саҳифаларининг таъинидан аjoyиб хушхабар олдик. 26 ноябрь — 5 декабрь кунлари мазкур давлатда муайтай бўйича катталар ва ёшлар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатида ҳамкорларимиз 2 та оltин, 4 та кумуш ва 1 та бронза медалини қўлга киритиб, ўзбекистонлик спортчиларнинг ҳеч қимдан кам эмаслигини яна бир бор исботлашди.

ҲАМКОРЛАРИМИЗ ҲАҲОН ЧЕМПИОНИ!

Таиланд рингларида 100 дан ортиқ мамлакатдан келган 1000 нафардан зиёд муайтайчилар голиблик учун баҳс олиб борганлигини инобатга олсак, ҳар бир медал учун кураш нақадар қизгин кечганлиги ойдинлашади.

Катталар ўртасидаги мусобақаларда Фирдавсий Холмуратов (60 кг.) барча рақибларини маълумиятга учратиб, жаҳон чемпиони деган шарафли номга сазавор бўлди. Жасур Мирзамухамедов (86 кг.) кумуш, Ислам Асенов (54 кг.) бронза медали билан тақдирланди.

Ёшлар ўртасидаги беллашуларда Нурман Алламбергенов (51 кг.) шохсупадан жой олди. Аскаржон Ялаев (57 кг.), Шохрух Абдувосиев (63 кг.) ва Шаҳобоз Азимов (81 кг.)га кумуш медал насиб этди. Голиб спортчиларимиз эртага юртимизга қайтиб келишади.

З. ЖОНИБЕКОВ, "Халқ сўзи" мухбири.

Бунёдкорлик

Наманган шаҳар аэропорти яқинда миллий ва замонавий меъморчилик анъаналари асосида тубдан таъмирланиб, ишга туширилди. Бу мамлакатимизда олиб борилаётган улкан бунёдкорлик ишларининг узвий давомидир.



НАМАНГАН АЭРОПОРТИНИНГ ЯНГИ ҚИЁФАСИ

Катта ҳажмидаги қурилиш ва таъмирлаш ишлари "Қурилиш-буғлаш-таъмирлаш" масъулияти чекланган жамияти жамоаси томонидан бажарилиди. Уларга қўшни вилоятларнинг бир қатор қурилиш ташкилотлари бинаорлари ҳам яқиндан ёрдам берилди. Натижада Наманган аэропорти қисқа фўрсатларда бугунлай ўзгача, замонавий қиёфага эга.

СУРАТЛАРДА: аэропорт ҳаётиндан лавҳалар. Ҳотам МАМАДАЛИЕВ (ЎЗА) олган суратлар.



БАҒРИКЕНГЛИКНИНГ ОЛИЙ НАМУНАСИ

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимига амалга оширилаётган ислохотлар тўғрисида халқимизга хос бағрикенглик ва кечиримлилик фазилатлари тўла намоён бўлаётди.

қур тоифадаги шахслар жазони ўташ жойларидан бушатилади, шу билан бирга, аёллар, воёга етмаганлар, 60 ёшдан ошган эркаклар, чет эл фўқаролари томонидан содир этилган жиноятлар юзасидан олиб борилаётган барча тергов ишлари ва судда қўрилган ишлар тугатилади. Маз-

кечиримлилик ва бағрикенгликнинг юксак намунасидир. Қарорда мутасадди давлат ва нодавлат ташкилотлар ва зарур ташкилий-ҳуқуқий тадбирларни ўз вақтида амалга ошириши алоҳида таъкидланган. Жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирилари Кенгаши ва ҳокимликлар жазони ижро этиш жойларидан қайтангача жамиятга мослашиши юзасидан тегишли чораларни қурилиши, яъни улар иш билан таъминланиши, ёлғиз ва ёрдамга муҳтож шахсларнинг ногиронлар ва қариёлар уйига жойлаштирилиши, воёга етмаганлар эса ўз ота-оналари ёки васийлик органларининг назоратига топширилиши зарур.

Давлатимиз раҳбари тақдиримизга асосан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан шу йил 30 ноябрда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн беш йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида"ги қарор замирида ҳам айнан шундай эзу мақсад мўжасам.

Қарорга мувофиқ таққиланган ташкилотлар фаолиятида иштироки, улар таркибиде тинчлик ва хавфсизликка қарши ёки жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар содир этганлиги учун биринчи марта 10 йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилиниб, уларнинг йўлига қатъий ўтган шахслар жазодан озод қилиниши белгиланган. Бу халқимизга хос

қур ҳужжатининг яна бир афзаллиги шундан иборатки, унга қўра ҳазо ўтаётган айрим шахсларнинг жазо муддати тегишли тартибда қисқартирилади. Қарорга мувофиқ таққиланган ташкилотлар фаолиятида иштироки, улар таркибиде тинчлик ва хавфсизликка қарши ёки жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар содир этганлиги учун биринчи марта 10 йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилиниб, уларнинг йўлига қатъий ўтган шахслар жазодан озод қилиниши белгиланган. Бу халқимизга хос

Дунё неғоҳи

Рим шаҳрида жойлашган Италиянинг етакчи олий ўқув юртиларидан бири — «Ла Сапиенца» университетига «Тошкент — 2007 йилда ислом маданиятининг пойтахти» мавзусига бағишланган давра сўхбатини бўлиб ўтди.

«ЛА САПИЕНЦА» УНИВЕРСИТЕТИДА ЎЗБЕКИСТОН ТАҚДИМОТИ

Давра сўхбатига «Италия-Ўзбекистон» дўстлик ва ҳамкорлик ассоциацияси президенти, Италия парламенти депутатлар палатасининг аъзоси Ф.Еванжелисти ва Италия Ташқи ишлар вазирлиги Европа мамлакатлари Бош директоратининг муктор вазири Паоло Серги, шунингдек, Италиянинг Ислмо ва Марказий Осиё таъқикотларига ихтисослашган эксперт ва таъқилоқ доираларининг раҳбарлари ҳамда Римда аккредитациядан ўтган мусулмон мамлакатлари дипломатия миссияларининг вакиллари иштирок этди. Давра сўхбатини иштирокчилари ўз тарихий илдизларини чуқур ўрганмиш, миллий ўзлигини англаш, бебаҳо диний ва маданий меросни қўра қўра-қўра асраш юзасидан Ўзбекистон ҳукумати олиб бораётган ишлар билан апрофияла танишди.

Дунё неғоҳи

дани билан ўртоқлашди. У ўзбек халқининг қишини хайратга соладиган меҳмондўстлиги, ҳушёрлиги ҳамда тинчликсеварлигини алоҳида таъқидлади.

«ЛА САПИЕНЦА» УНИВЕРСИТЕТИДА ЎЗБЕКИСТОН ТАҚДИМОТИ

Италия «CIRPS» университетлараро таъқикотлар ва барқарор тараққиёт марказининг директори Винченцо Назо замонавий Ўзбекистон ҳудудидан етишқиб чиққан буюк алолма ва мутафаккирлар нафақат Марказий Осиё ва мусулмон дунёси, балки бутун инсониятнинг маданий ва илмий тараққиётига бебаҳо ҳисса қўшаганини ўйга берди. Болонья «Альма Матер» университетининг Жаҳон маданий меросини асраш факультети декани, профессор Антонио Панвизио жаҳон цивилизацияси тарраққиётида Ўзбекистоннинг қўра шаҳарлари ҳамда Буюк Ўлкан йўлининг тутан ўрни ва уларнинг аҳамияти мавзусига тўхташди.

— Сўғдиёна ва Хоразм, Марғилон ва Бухоро шаҳар ва Фарбинг қадимий цивилизациялари ўртасидаги алоқаларни ривожлантиришда ниҳоятда муҳим аҳамият касб этган, — деди профессор.

«Жаҳон» АА. Рим.

ЖАҲОН 24 соат ичида

Бош котибнинг таклифи



БМТ Бош котибни Пан Ги Мун Яқин Шарқда вазиятнинг кескинлашгани муносабати билан Тулан тепалигида жойлашган халқаро тинчликпарвар куларнинг муддатини яна олти ойга узайтириш таклифи билан чиқди. Мазкур кулар 1974 йилда Сурия ва Исроил ўртасидаги кескинликка барҳам бериш мақсадида Тулан тепалигига жойлаштирилган.

Сабаблари аниқланмоқда



Афғонистоннинг Кобул шаҳри марказида кеча эрталаб автобус портлади. Дастлабки маълумотларга қараганда, камикадзе-террорчи портловчи усунани ҳаракатда келтириб юборган бўлиши мумкин. Мамлакат мудофаа вазирлиги вакилининг сўзларига қараганда, фожиа туфайли қанча одам ҳалок бўлгани ҳозирча аниқлангани йўқ.

Табиий офат хавфи

АҚШ шимоли-ғарбида юз бераётган кучли довул туфайли беш киши ҳалок бўлди. Мамлакат миллий метеорология хизмати Вашингтон ва Орегон штатидаги бир неча округларда сув тошқинлари юз бериши эҳтимоли борлигидан огоҳлантирмоқда. Шу муносабат билан ушбу штатларда фавқулодда ҳолат эълон қилинди. Худуддаги бир неча ўн



минглаб уйлар айни пайтда электр таъминотидан узилди қолган. Йўлларни сув босган.

Истеъфога чиқди

Айгарс Калвитис бошчилик қилаётган Латвия ҳукумати истеъфога чиқди. Латвия жамоатчилигининг ишончсизлиги бунга сабаб бўлди. Калвитиснинг мамлакатдаги инфляцияга қарши қўрилган чоралари аҳоли ўртасида норозиликларни кучайтирди. Хатто, Рига кўчаларида ҳукуматнинг истеъфога чиқишини талаб қилиб, оммавий норозилик намойишлари ҳам ўтказилди. Калвитиснинг баёнотидан сўнг мамлакатдаги сиёсий



кўчалар ўртасида янги ҳукуматни шакллантириш юзасидан музокаралар бошланиб кетди. Ҳозирча Латвиянинг янги Бош вазири ким бўлиши аниқ эмас.

ЕИ кенгайдими?

Босния Европа Иттифоқига аъзо бўлиш йўлида музокараларни бошлаб юборди. ЕИнинг кенгайиш масалалари бўйича комиссари Олли Реннинг таъйинлашча, Босния ва Герцеговина мустақил тарзда ўз тақдирини белгилаши керак. Босния бош вазири Никола Спирич му-



зокараларнинг бошланиши тарихий имконият эканлигини қайд этди.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Мамлакатимиз аҳолисига бу борада республикамиз тижорат банклари томонидан тўғри маслаҳат берилиб, бир қатор юқори даромадли омонатлар ва жамғарма депозитлари таклиф қилинмоқда. Чунки бу бўш маблағингни ишончли сақлашга эмас, балки ундан даромад олишнинг энг қулай йўли ҳисобланади.


Тўғри, омонатга пул қўйиш юртдошларимиз учун янгилик эмас. Лекин тан олиб айтиш керак, манфатдорлик кам бўлгани вақидан илгари пулни "ёстик"да сақлаш афзал қўрилган. Кейинги йилларда бошқа соҳаларда бўлгани каби банк тизимида олиб борилаётган изчил ислохотлар ва унинг асосида мижоз манфаати сабаб, аҳоли ўртасида молия муассасаларига бўлган ишонч янада ортди. Эндилдиқда "Мижоз банк учун эмас, банк мижоз учун" тамойили устувор вазифа этиб белгилангани натижасида мижозлар талаблари инobatга олинган ҳолда, улар учун қулай, жозибадор ва юқори даромадли депозитлар таклиф этилаётди. Бу жараёнда республикамиздаги йирик тижорат банкларидан бири – РАТБ "Фаллабанк"нинг иштироки катта

Молия муассасаларида

Жамғарган маблағингни қандай сарфлайсиз? Аниқроғи, ундан қай йўсинда фойдаланасиз? Негаки, айтишларича, пул топиш эмас, ундан нечоғли самарали фойдалана олиш муҳимдир. Шундай экан, бугунги бозор иқтисодиёти шароитида тасарруфингиздаги маблағга маблағ қўйиш, уни мақсадли сарфлашингиз учун қандай йўл тўтайсиз?

бўлмоқда. Мазкур банк томонидан кўрсатилаётган хизматлар доираси кенгайиб, уларнинг сифати тобора яхшилангани туфайли аҳолининг бўш маблағларини омонатга жалб этиш ҳажми сезиларли даражада ўсмоқда.

Дарҳақиқат, "Фаллабанк" томонидан бугунги кунда аҳолига яқиндан хизмат кўрсатиш мақсадида 160 га яқин жамғарма шохбосчаси, 80 та мини банк очилган.




«Фаллабанк»: ЮҚОРИ ДАРОМАД – ФАРОВОН ТУРМУШ ГАРОВИ


Банк мутахассисларининг айтишича, аҳоли маблағларини муддатли омонатларга жалб қилишда мижозлар манфаатига ҳар томонлама мос келадиган, энг муҳими, юқори даромадли фоизлар белгиланиши катта аҳамиятга эга бўлмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар

Маҳкамасининг 2000 йил 19 майдаги "Тижорат банкларининг кичик тадбиркорликни ривожлантиришга қатнашишни рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарориди тижорат банкларининг солиқ солинадиган базаси жисмоний шахсларнинг муддатли омонатла-

Жисмоний шахслардан қабул қилинган омонатларнинг ўсиш тенденцияси



Банк омонатчилари сонининг ўсиш тенденцияси



ри (депозитлари)нинг кўпайган миқдорига нисбатан камайишининг белгиланиши, айниқса, банклар томонидан мижозлар манфаатига мос – юқори фоизли омонатларни таклиф қилиш имконини берди. Бу эса, аҳоли муддатли омонатларининг мунтазам ўсиб боришида бош омил бўлаётди.

Айни пайтда "Фаллабанк" томонидан йиллик устамаси 25 фоиз бўлган қисқа муддатли янги – "Yosh oila" (олти ойлик), "Qadriyat" (уч ойлик), "Hamkor" (бир ойлик) омонатларига маблағлар қабул қилин-япти.

Аҳолининг банк ҳисобварақидидаги маблағлари тўлов-

юритганимиз сабабли, мижозларимизнинг банкка қўйилган омонатлари қонунчиликка биноан тўлиқ қафолатланаётди. Бу уларнинг банкка бўлган ишончини ошириб, омонатчилар сафининг кенгайишига хизмат қилапти. Өнг муҳими, берилган бир қатор имтиёзлар туфайли мижозла-

римизнинг даромадлари янада ошмоқда. Жамғарган пуллари муддатли омонатларга йўнатирилиб, рўзгорлари бут, турмуши янада фаровон бўлишини таъминламоқда.

С. РАҲМОНОВ, "Халқ сўзи" мухбири.

ХИЁБОНЛАР ЧИРОЙИ

Қиш фасли кириши билан пойтахтимизнинг Ободонлаштириш бошқармаси ишчи-хизматчиларининг юмушлари янада кўпайди. Чунки кўчаларни ҳазонлардан тозалаш, дов-дарахтларга шакл бериш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари айнан шу пайтда авжига чиқади.

Шу билан бирга, мавжуд майдонлар, кўча бўйларига 135 мингга яқин куз ва қишда ҳам гуллаб турадиган гул кўчатлари, 4 мингдан зиёд манзарали дарахт, 2 минг туп игна баргли ва 11 минг тупдан зиёд тибкус, фарзия, азейтция, япон айваси ва сурия атиргули сингари ўнга яқин турдаги ранг-баранг бўта кўчатларини ўтказиш ишлари қизгин давом этмоқда. Ҳозиргача ушбу ишларнинг асосий қисми бажарилди. Йил якунига қадар эса юқорида тилга олиб ўтилган ишларни тўлиқ ниҳоясига етказиш режалаштирилган. Амалга оширилган ишлар келгуси йилнинг баҳоридида шаҳримиз хиёбонларининг янада ободонлашуви ва кўркамлашувига хизмат қилади.

Усмон УСМОНОВ.



Ободонлаштириш

ХОРИЖИЙ ФАРМАЦЕВТИК КОМПАНИЯ

Анджон вилояти бўйича тиббий вакил қабул қилишга танлов эълон қилади.

НОМЗОДЛАРГА ТАЛАБЛАР:

- олий тиббий маълумот
- компьютерда ишлаш малакаси
- «В» категорияли ҳайдовчилик гувоҳномаси

Фармацевтик компанияда ишлаганлар маъқулланади

Резюмелар 2007 йил 20 декабрдан hurik@bk.uz электрон почтаси орқали юборилди

"INTEGRAL ASIA"

DELL

Ноутбукларининг бутун туркуми

Мобиллик ва хавфсизлик

Технологиялар баркамоллиги

3 йилга тўлиқ кафолат!!!

Dell Inc нинг фақат ягона дистрибьютори INTEGRAL ASIA МЧЖдан

Тел.: 120-30-27, 120-30-28. факс: 120-30-26.

Ўзбекистон Банклари ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖ

2007 йил 21 декабрь куни соат 11.00 да Ўзбекистон Банклари ассоциацияси биносидида ўтказиладиган очик аукцион савдоларига қуйидаги мулкни қайтадан қўймоқда:

* Тошкент шаҳар Шайхонтохур тумани суд ижрочилари бўлими томонидан 2006 йил 26 июлдаги 10250/3-сонли ижро ҳужжати асосан тақдим этилган, Тошкент метрополитени қурилиши дирекциясининг «Метрополитен капитал қурилиш» ДУКга тегишли, Тошкент шаҳри, Фаробий ва Сағбон кўчалари кесикан чорраҳада жойлашган, қурилиши тугалланмаган «Фаробий» нимстанцияси.

Бошланғич баҳоси — 15 699 565 сум 9 тийин.

Ушбу мулкни суд ижрочилари иштирокида бевосита жойига чиқиб кўриш мумкин. Савдода қатнашиш учун харидорлар тўлов ҳужжатида мулк номи, ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатилган ҳолда объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридида закатат пулини Ўзбекистон Банклари ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖнинг «Асака» банки, «Автотранспорт» филиалининг «Альянс» мини банкидаги, МФО 00417, СТИР 204325773, 2020800080423476001 ҳисоб рақамига тўлашлари ва савдодаги мулкларни сотиб олиш учун ариза топширишлари шарт. Савдода иштирок этиш учун топшириладиган аризалар ва закатат пуллари қабул қилиш савдода бир кун олдин тўхтатилади. Савдода қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари масалалари юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:

Тошкент ш., Шайхонтохур тумани, А.Хўжаев к., 1-уй. Тел.: 138-69-94, 138-69-93.

Лицензия DB001-000010.

«ЎЗСТАНДАРТ» АГЕНТЛИГИ

МЕТРОЛОГИЯ ХИЗМАТЛАР

КўРСАТИШ МАРКАЗИ

Ўз мижозларига шуни маълум қиладики, 2007 йилда тузилган, иш ҳажми ва амал қилиш муддати 2007 йил 31 декабрдан бўлган мажбуриятлари амалга оширилмаган, мижозлар айби билан бажарилмаган шартномалар бекор қилинади.

Бекор қилинган шартномалар бўйича барча шикоятлар 2007 йил 31 декабрдан қабул қилинади.

Мижозлар айби билан бажарилмаган шартномалар бўйича МХКМ ДК кредитор қарзлари 2008 йилнинг биринчи чораги давомида қайтарилади.

МАЪЛУМОТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР: 150-26-03, 150-26-02, ФАКС: 150-26-15. E-mail: metrolog@sarkor.uz

Организация реализует со склада в Ташкенте следующие **ШИНЫ** российского производства:

Размер	Модель
13,6-38	Я-166 нс 6
15,5-38	Ф-24Д нс 8
9,00-16	Я-324А нс 10
28, 1R26	ФД-12М нс 12 и 158
9,5-42	Я-183 нс 8
18,4/78-30	Я-319 нс 8 и 139
10,00R20	И-281, У-4 нс 16
8,25 R20	

а также любые другие модели под заказ.

Адрес: г. Ташкент, ул. У. Юсупова, 36. Тел./факс: 144-71-75, 144-30-79. E-mail: euroaz@mail.ru

ТОВАР СЕРТИФИЦИРОВАН

Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси жамоаси масул ходим Раҳматилла Джафарович ХОДЖАЕВИНИНГ вафот этганини муносабат билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги М.С.Турсунхўжаева номида тиббиёт коллежи директори Мирраҳим Мухитович АБЗАЛОВНИНГ вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети жамоаси руҳсатномадор бўлими мудири Джамалдин Татаханович ХАЛИКУЛОВНИНГ вафот этганини муносабати билан марҳумнинг ақин қариндошларига чуқур таъзия изҳор этади.

«Spentex Tashkent Toytera» хорижий корхонаси жамоаси Тўйтепа фабрикаси бошлигининг муовини Ҳўқир АКБАРОВНИНГ вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Гарчанд бу бинонинг қурилганига қарийб ярим аср бўлган эса-да ҳали у бу қадар мукамал таъмирланмаган, энг сўнги андозадаги замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланмаган эди. Гулистон шаҳар марказининг шифохонаси жамоасининг айтишича, уларга бундай имкониятни, энг аввало, Мустақиллик берди.



ЭЛ СОҒЛИГИ — ЮРТ БОЙЛИГИ



Қолаверса, мамлакатимиз раҳбариятининг аҳоли соҳат-саломатлиги йўлида жуда улкан ишларни амалга ошираётганиги, тиббий соҳа ходимларига беқимс ҳамхўрлик кўрсатаётганиги ҳам бунинг асосий сабабидир.

«Ижтимоий ҳимоя йили» муносабати билан «Гулистон экстракт-8» акциядорлик жамияти томонидан ҳомийлик ёрдами тариқасида 450 миллион сўмдан ортиқ сармоя киритилди. Шифо масканининг замонавий талабларга жавоб берадиган ҳолда таъмирланишига вилоят ва шаҳар ҳокимликлари бош-қош бўлди. Хар йили уч мингдан ортиқ бемор даволанадиган маъмурият шифохонада эндиликда клиник ва биохимик лаборатория тек-

ширишлари, шунингдек, ультратовуш ва ташхис ускуналари ҳамда замонавий физиотерапия бўлиmlари фаолият кўрсатмоқда. Ҳовли ва йўлакларнинг ободлиги ва орасталиги шифохонага янада кўрқ ва файз бахш этиб турибди.

Дарҳақиқат, ушбу тиббиёт масканида узок йиллар давомида фаолият кўрсатаётган Махбуба Пулатова, Мавлуда Ҳамроқулова, Файзулло Сиддиқов, Абдуғаффор Қўлдошев сингари шифокорлар ҳам ўзларига, ҳам беморларга яратилаётган бундай имконият ва имтиёزلардан беҳад хурсанд бўлишмоқда.

Валижон ҒАЙБУЛЛАЕВ олган суратлар.

Спорт • Sport • Спорт • Спорт • Sport

БОКСЧИЛАРИМИЗ ПЕШҚАДАМ

Қозоғистонда бокс бўйича ёшлар ўртасида навбатдаги Осиё чемпионати якунланди. Аҳамиятлиси, чемпионатда Мансур Маҳмудов бошчилигидаги Ўзбекистон терма жамоаси учта олтин, иккита бронза медали билан умумжамоа ҳисобида иккинчи ўринни эгаллади.

Жумладан, жиззахлик Хуршид Тожибоев, бекobodлик Камолиддин Аҳмедов ва урганчлик Умид Салаевлар ўз вазн тоифаларида барча рақибларини енгиб, қўлга чемпиони деган шарафли номга сазовор бўлдилар. Андижон вилояти вакили Шўхрат Абдуллаев ҳамда Фарғона бокс мактаби тарбияланувчиси Акмал Раҳмоновга бронза медали насиб этди.

Ўзбекистон терма жамоасининг собиқ сардори Миржалол Қосимов мамлакат чемпионати етакчиларидан ҳисобланган «Қурувчи» клубига бош мураббий этиб тайинланди.



МИРЖАЛОЛ ҚОСИМОВ — «ҚУРУВЧИ» БОШ МУРАББИЙИ

«Қурувчи» матбуот хизмати хабарида айтилишича, сўнги икки турда олий лига аутсайдерлари «Металлург» ва «Локомотив» жамоаларига қарши ўйиндаги мағлубиятлар шундай қарор қабул қилинишига сабаб бўлган.

Ҳозиргача жамоани бошқарган Хикмат Эргашев энди катта мураббий вазифасини бажаради. Эсингизда бўлса, ўзбек футболининг ёрқин юлдузи Миржалол Қосимов шу кунгача Муборакнинг «Машъал», Ўзбекистон олимпия ва миллий терма жамоаларида мураббийлик борасида тажриба орттирди.

Дарвоқе, Миржалол мамлакат миллий терма жамоасида катта мураббий сифатидаги фаолиятини ҳам давом эттиради.

З.ЖОНИБЕКОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ОРГАНИЗАЦИЯ РЕАЛИЗУЕТ СО СКОТАДА В ТАШКЕНТЕ И НА БАКАЕ:

КАБЕЛЬ (18W ОБЛАМ, ДЛ-20; 40; 80; ДРЛ 125-700, ДНАТ 250; 400)

СИЛОВОЙ АВВГ 2x2, 5 - 4x240 ААШВ; АСБ; 3x95-3x240

С ИЗОЛЯЦИЕЙ ИЗ СШИТОГО ПОЛИЭТИЛЕНА от 10 до 110 кВ

Термоусаживаемые муфты от 1 до 35 кВ - СТп, НВТп, КНТп

ВОЛОКОННО-ОПТИЧЕСКИЕ КАБЕЛИ СВЯЗИ МКСБ, ТЭГ, ТЭАШп, ЭКП

ЛАМПЫ (ДПО, ЛСП, РСН, РКУ, ПЭМ и т.д.)

СВЕТИЛЬНИКИ

ЭЛЕКТРОДВИГАТЕЛИ

СЧЕТЧИКИ ЭЛЕКТРОЭНЕРГИИ ОДНО- И ТРЕХФАЗНЫЕ, МНОГОТАРИФНЫЕ

ДИЗЕЛЬ-ЭЛЕКТРОСТАНЦИИ

Тел./факс: 8 (371) 136-01-54, 133-12-84. E-mail: gamma-elektro@yandex.ru

БИРЖА

Эслатиб ўтамиз:

Сиз — ташкилот раҳбари, идора ходими, иқтисодчи, тадбиркор ёки талабасиз. Сиз — республикаимиз иқтисодиётининг ривожланиш жараёнида фаол иштирокчисиз. Сиз — муваффақиятга эришишни, мулкнингиз ва қорхонангизни самарали бошқаришни, фаолиятингизда катта натижаларга эришишни истайсиз. Сиз — Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида юз бераётган барча воқеа-ҳодисалар билан қизиқасиз. Фонд, валюта, товар-ҳом ашё ва қўчмас мулк биржаларида нималар билан ва қандай нархларда савдолар қилинаётганини билмоқчисиз. Сиз — савдоларда харидор ва сотувчи, таҳлилчи ва шарҳловчи, брокер ва инвестор сифатида иштирок этмоқчисиз. Сиз — акциядорлик жамиятининг акциядорисиз. Жамиятнинг молиявий-ҳўжалик фаолиятдан хабардор бўлмоқчисиз.

Демак, сизга бундай ахборот оқимида эркин ҳаракат қилиш учун ишончли ва синалган йўлқўрсаткич керак.

Агарда сиз «БИРЖА» республика иқтисодий газетасига обуна бўлсангиз, бунга осонликча эришасиз. Ҳафтада уч марта мавзули яловлар билан чиқадиган иқтисодий газета сизнинг қўндалик фаолиятингизда асқотадиган ахборотни бера олади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 27 сентябрдаги «Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан, «Биржа» газетаси қимматли қоғозлар бозори иштирокчиларининг қонунийликда белгиланган ошқор этилиши зарур бўлган маълумотларини чоп этувчи ЯГОНА НАШР ҳисобланади. Шу боис газетага бир йиллик обунани ўз вақтида расмийлаштирган қимматли қоғозлар бозори иштирокчиларига ўз маълумотларини келгуси йили чоп этишларида ИМТИЁЗЛАР БЕРИЛАДИ.

06.12.2008

«БИРЖА» ДАН БАХРАМАДА БЎЛИНГА ПРОШЛАНИ!

Газета обунасини «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ, «Matbuot tarqatuvchi» АК тизимлари, шунингдек, даврий нашрлари тарқатув компаниялари: «INTER-PRESS», «BTL ARZI MEDIA», «KALEON», «VEK INFORM» ва бошқалар орқали ёки тўғридан-тўғри тахририятга расмийлаштириш мумкин.

Телефон: (371) 139-22-06. Факс: 139-83-79. e-mail: birja_reklama@mail.ru Обуна индекслари: 160, 161.

“Эркин” тарифи

\$0 абонент тўлови тармоқ ичида қирувчи қўнғироқлар

\$0,02 2^м дақиқадан бошлаб барча қўнғироқлар (1 дақиқа учун)

Гаплашувнинг 1^м дақиқаси — \$0,03

Бемалол мулоқотда бўлинг!

Эслик МТС абонентларини учун. Исраилон давонида тарифи — бепул! БРВБ хизматлари соҳабиланганлик учун абонент тўлови — \$0,03 кунга (1,030 эди)

Эслатма: Ушбу тариф тўлиқ қўнғироқларга

Хизматлар лицензияланган

МТС

МТСдан янги йил таклифи!

“Янги йил рақамлари”

Дўстларингиз билан тунда БЕПУЛ мулоқот қилинг!

“Янги йил рақамлари”ни ўрнатиш: *111*881***<халқаро нўринишда телефон рақами>**# ①

Масалан, 1030909 рақамли Тошкент шаҳри абоненти учун: *111*881*998971030909# ①

“Янги йил SMSлари”

Шанба ва якшанба кунлари БЕПУЛ SMSлар!

Хизматни ёқиш: *111*991# ①

Эслатма:

Янги йил рақамлари:

- хизматни улаш — s1 (автоматик равишда биринчи рақам ўрнатилганда)
- “Ўздунробита” рақамларидан 10 та янги йил рақамларига қўнғироқлар
- ҳар нуни 00:00 дан 06:00 гача бўлган қўнғироқлар

Янги йил SMSлари:

- хизматни улаш — s1
- “Ўздунробита” ХКси тармоғи ичида барча SMSлар

Акциянинг амал қилиш мuddати чекланган

Хизматлар лицензияланган.

Ўзбекистон Республикасида хизматлар “Ўздунробита” компанияси томонидан таъдим этилади.

Тўловлар сўмда ЎзРСИ МБнинг нурси бўйича амалга оширилади.

Нархларга барча солиқлар киритилган.

0890, (+998 97) 130 09 09

www.mts.uz / wap.mts.uz

МТС

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир **Ўткир РАҲМАТОВ**

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1157. 23787 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхоналар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида термиди ҳамда операторлар Жамшед Тоъаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

☐—Тижорат материал

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — А. Орипов. Навбатчи муҳаррир — В. Эгамқулов. Навбатчи — С. Раҳмонов. Мусахҳх — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Қорхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.15 Топширилди — 22.10 1 2 3 4 5 6 7